



ТРАНСПОЗИЦИЯ ҲОДИСАСИНИНГ ВОКЕЛАНИШ КЎЛАМИГА ДОИР

Назарова Шахло,

Самарқанд давлат чет тиллар институти докторанти

Калит сўзлар: *транспозиция, синтактик транспозиция, УПК, транспозитив деривация.*

Умумий тилшуносликка доир манбада транспозиция ҳодисаси учун умумий бўлган хусусият, яъни функционал кўчиш икки асос билан боғлиқ ҳолда юз бериши қайд этилади: 1) тўлиқсиз ёки синтактик транспозиция, 2) тўлиқ ёки морфологик транспозиция. Биринчи ҳолатда, асос структуранинг туркуми ўзгармайди ва нутқ талаби асосида синтактик функциянинг ўзгариши кузатилади. Иккинчи ҳолатда, транспозитор ва транспозит ўртасидаги муносабат орқали янги сўз туркуми ҳосил қилиниши орқали функционал ўзгариш содир бўлади (Лингвистический энциклопедический словарь 1990: 519).

Ана шу икки жиҳатга кўра, транспозиция синтактик деривация термини билан, шунингдек, конверсия ҳодисаси билан ҳам синоним ҳисобланади. Бирок, транспозиция термини замирида деривацияга олиб келувчи асосий хусусият, яъни кўчиш ўз ифодасини топади. Шунинг учун ҳам Е.С. Кубрякова транспозицияни деривация ҳодисасининг вокеланиш усуллари билан бири сифатида баҳолайди. Сўз ясалиш орқали кузатиладиган транспозицияни эса конверсия деб юритишни тавсия қилади (Кубрякова 1974: 64).

Ушбу олиманинг бошқа бир ишида қайд этилишича, транспозиция таъсирида асос структуранинг функционал ўзгариш ёки ўзгармаслиги билан боғлиқ параметрлар бу ҳодисаларнинг туб моҳиятига кириб бориш учун етарли шароит ярата олмайди. Шунинг учун ҳам транспозиция жараёни ва деривация ўртасидаги муносабат масаласига бошқачароқ ёндашмоқ лозим. Хусусан, транспозиция соф ҳолатда (чистая транспозиция), яъни асос структурага хос

синтактик функцияни ўзгартириш асосида ва мураккаблашган ҳолатда (осложненная транспозиция), яъни маънони янгилаган ҳолда вокеланишини эътиборга олиш керак (Кубрякова 1980: 120-121).

Дарҳақиқат, транспозициянинг бугунги талқинлари уни биргина лексик деривация жараёнида содир бўладиган категориял ўзгаришлар доираси билан чегаралашга имкон бермайди. Зотан, мазкур жараённинг вокеланиши барча деривацион ҳодисалар билан боғлиқ ҳолда кузатилади. Шунга кўра, транспозицияни деривациянинг хусусий кўринишларидан бири сифатида эътироф этиш мумкин. Ана шу хусусиятлар транспозицияни сўз ясалишига олиб келувчи ҳодисалар билан, шунингдек, нутқий дериватларнинг вокеланиши билан боғлиқ ҳолда ўрганиш имконини яратади.

В.Н.Телиянинг фикрига кўра, синтактик транспозиция лексик-синтактик характерда намоён бўлгани ҳолда, фразеологик боғлиқ маънонинг вужудга келишига олиб келади» (Телия 1980:279). У фразеологик бирликларни тил тизимидаги бевосита номловчилардан фарқли равишда, билвосита номловчилар сифатида қайд этади ва шу хусусиятига кўра уларни иккиламчи луғавий бирликлар тизимидаги алоҳида ички гуруҳ сифатида ажратади (Телия 1981:94-98).

Г.Г.Соколованинг кузатишида ҳам транспозиция фразеологизмларнинг ҳосил бўлишига олиб келувчи кўп босқичли ҳодиса сифатида талқин этилади. Унинг фикрига кўра, бирламчи транспозиция эркин бирикмаларни образли ва барқарор ифода сифатида ташкил топишини таъминласа, иккиламчи транспозицияда эса ушбу образли ифодалар фразеологик бирликлар сифатида шаклланади. Бу



жараёнлар бирикманинг метафорик ва метонимик маъноси асосида амалга ошади (Соколова 1987:8-10; 58-64).

Умумий тилшуносликка доир манбада конверсия тарнспозициянинг ички кўринишларидан бири аффикслар иштирокисиз сўз ясалишига олиб келувчи ҳодиса сифатида қайд этилади (Лингвистический энциклопедический словарь 1990: 235). Ўзбек тилшунослигида бу ҳодисага биринчилардан бўлиб эътибор қаратган олим А.Ғуломовдир. Унинг фикрига кўра, конверсия: «Бир лексик-грамматик категориядаги сўзнинг бошқа категорияга ўтиши сўз яшанинг, янги сўз ҳосил қилишнинг бир кўринишидир. Бу морфологик-синтактик йўл билан сўз яшадир. Бунда сўзнинг туркуми ўзгаради, бу ўзгариш, одатда, контекстда - синтактик ҳолатнинг, гап ва сўз бирикмаларининг кучи билан юзага келади», -деб эътироф этилади (Ғуломов 1973: 46-47).

Келтирилган бу фикрлар транспозиция ҳодисасининг таъсир кўлами анча кенг эканлигидан далолат беради. Бу ҳодисанинг лисоний деривацияга муносабати, биринчидан, сўз ясалиш жараёнида асоснинг категориал кўчиши, иккинчидан, гап, сўз бирикмаси, сўз шакллариининг функционал-семантик жиҳатдан ўзгариши натижасида фразеологик, грамматик-семантик бирликлар ҳосил қилиши орқали ўз ифодасини топади. Тўғри, транспозицион ҳодисалар, айниқса, ўзбек ва корейс тилларида сўз яшашга нисбатан каммаҳсул, бироқ уларни ўрганмай туриб, инсон, борлиқ ва тил муносабатидаги ўта мураккаб, айтиш пайтда нозик қирраларни англаб бўлмайди. Зеро, инсон лисоний ва когнитив фаолиятининг беқиёс имкониятга эгалигини белгилувчи тил ижодкорлиги ҳам ана шу андозалар асосида намоён бўлади.

Е.С.Кубрякова томонидан эътироф этилганидек: «Ҳар бир сўз ўзининг референциал майдонида эга бўлади. Ана шундай сўзлар воситасида вужудга келган дериватлар, айтиш мумкинки, асос сўзнинг нисбий ўзлашишини, яъни

транспозициясини тақозо этади. Ана шу асосда, транспозиция орқали икки ментал майдон, яъни 1) донорлик, 2) мақсад (целевой) майдонлари ўзаро кесишади. Масалан, инглиз тилидаги salt ва to salt сўзларидан биринчиси, яъни salt предметлик майдонида мансуб бўлиб, унинг to salt шаклидаги транспозицияси натижасида асос сўз предметлик майдонидан ҳаракат майдонида кўчади. Бу жараённинг воқеланишида эса, инсоннинг ушбу нарсадан фойдаланиш тажрибаси, яъни тузнинг тузлаш учун ишлатилишига доир билими муҳим аҳамият касб этади. Ана шу асосда ҳосил бўлган дериватлар замирида икки категорияга мансуб тажрибалар уйғунлашади ва бунинг натижасида гибрид структуралар вужудга келади (Кубрякова 2005: 344).

Бу семантик деривация жараёнининг воқеланишида транспозициянинг ўрни эркин бирикманинг дисемантизацияси ва лексикализацияси учун қулай шароит яратиши орқали намоён бўлади. Зеро, айнан транспозиция таъсирида эркин бирикмага ҳос мазмун синтезланган ҳолда лексикализация таъсирига учрайди. Б. Вемернинг кузатишида нутқ бирликларига ҳос эркин маънони изоляциялаш орқали ихтисослашган маъно ҳосил бўлишига олиб келувчи ҳодиса сифатида лексикализация ҳам аслида транспозиция таъсирида вужудга келади, - дейишининг боиси шундадир (Вимер 2001: 26-57).

Шундай қилиб, транспозитив деривация бошқа турлардан фарқли равишда, десемантизация, лексикализация каби ҳодисалар ҳамкорлигида амалга ошади. Бу ҳамкорлик натижасида нутқ бирликлари ўзи мансуб бўлган асосдан узилади ва бошқа бир ассоциатив гуруҳ аъзосига айланади.

Кўшма сўзларда бўлгани каби лексик-фразеологик дериватларнинг вужудга келишида ҳам икки вазиятнинг ўзаро узвийлиги кузатилади. Хусусан, улардан биринчиси эркин бирикма орқали ўз ифодасини топадиган семантик вазият бўлса, иккинчиси ана шу вазиятга прототип, яъни ўхшаш бўлган вазиятдир.



Ана шу хусусиятига кўра бу турдаги семантик дериватлар замирида Е.С.Кубрякова томонидан эфиротиф этилган референциал майдонлар, яъни 1) донорлик, 2) мақсад (целевой) майдонларнинг кесишуви ўз ифодасини топади.

Масалан, *катта оғиз // оғзи катта* бирикмасида ўз ифодасини топган бевосита маъно орқали «оғизнинг одатдаги ўлчамдан катта»лик белгиси ифодаланган. Ушбу бирикмадаги моҳиятнинг «ҳаддан ортиқ мақтанишни хуш кўрадиган» кишиларга хос белги билан метафорик кийси натижасида фразеологик маъно вужудга келади.

Бу семантик деривация жараёнининг вокеланишида иштирок этган вазиятлар ўртасида прототипликнинг вужудга келишида «*оғизнинг одатдаги ўлчамдан катта*»лиги ҳамда «*ҳаддан ортиқ мақтанишни хуш кўриши*», яъни «*катта гапли*»лик белгиларига хос ўхшашлик асос бўлади. Ана шу вазиятларнинг деривацион оператор, яъни метафорик тасаввур асосида синтезланиши натижасида фразеологик маъно ҳосил бўлади. Шу асосда сўз бирикмаси базасида ўзаро шаклдош бўлган нутқий эркин ва фразеологик боғлиқ маънолар юзага келади.

Катта оғиз // оғзи катта ибораси аслида сифат туркумига мансуб бўлиб, унинг воситасида «*ҳаддан ортиқ мақтанишни хуш кўрадиган*», «*катта гапли*» каби белги ўз ифодасини топади. Шуниси характерлики, ушбу иборанинг отлашиши, Г.Г.Соколованинг таъбири билан айтганда, «*конверсив транспозиция*» таъсирида амалга ошади (Соколова 1987:126) ва бунинг натижасида «имтиёзли мавқега эга» бўлган шахсларнинг кинояли ифодаси юзага келади: *У киши илгари «Мен Қамишқапаннинг устуниман»,- деб чиранган оғзи катталардан* (П.Турсун, Ўқитувчи) (Раҳматуллаев 1978:292).

Н.Ф.Алефиренкониинг фикрига кўра, (знаков косвенно-производной номинации) билвосита номлашнинг мураккаб типларини вужудга келтирувчи асос

сифатида УПК, яъни универсал предмет коди ва бевосита номлаш бирликлари иштирок этади. Тил жамоасининг тасдиғидан ўтган ва турли вазиятлар билан боғлиқ бўлган стереотип структуралар эса бу жараён учун ўзига хос қийсий майдон вазифасини ўтайди. Бу лингвистик жараённи ҳаракатга келтирувчи субъект эса ифода имкониятларининг ҳақиқий соҳиби бўлган шахслар ҳисобланади (Алефиренко 2002: 72-79).

Дарҳақиқат, тилнинг алоҳида луғавий бирлиги бўлган фразеологизмларнинг вужудга келиши, лексик ва бошқа турдаги дериватларга нисбатан анчагина мураккаб қонуниятлар билан боғлиқдир. Шу боис бундай лингвистик имкониятларни ишга солиш ҳамманинг ҳам кўлидан келавермайди. Бинобарин, фразеологизм ва умуман тилнинг барқарор бирликлари замирида яширинган моҳият ташкил этувчиларнинг бевосита йиғиндисидан эмас, балки «яхлитлигича маълум бир образ асосида, кўчириш йўли билан» вужудга келади. Шунинг учун ҳам фразеологик иборалар уларни ташкил этувчи «лексемалар маъносига нисбатан маҳраж маъно, яъни устама маъно сифатида гавдаланади» ва шу асосда «ибораларнинг ифода ва мазмун плани ўртасида узилиш содир бўлади» (Раҳматуллаев 1978: 4).

Бунинг ўзига хос далилини *она сути оғзидан кетмаган* иборасининг таҳлили мисолида кузатамиз. Ушбу иборанинг дастлабки асоси аниқловчи вазифасидаги эргаш бирикма бўлиб, унинг бош сўз билан бириккан шакли *она сути оғзидан кетмаган гўдак ёки боладир*. Бу мураккаб бирикмадаги *она сути оғзидан кетмаган* эргаш компонент, *бола ёки гўдак* эса ҳоким компонентдир.

Ушбу мураккаб бирикманинг бирламчи транспозицияси натижасида эргаш компонент (*она сути оғзидан кетмаган*) отлашган ҳолда яхлитланади ва бош сўз вазифасини ҳам ўз зиммасига олади. Ана шу асосда эргаш бирикма ўзининг дастлабки образли ифодасига эга



бўлади. Бироқ эргаш бирикманинг отлашиши фразеологик бирликнинг тўла шаклланганлигидан далолат бермайди. Чунки, унинг фразеологик ибора мақомига эга бўлиши учун устама маъно вужудга келиши лозим.

Транспозициянинг иккинчи босқичида айнан ана шу устама маъно, яъни фразеологик маъно ҳосил бўлади. Бунда *она сути оғзидан кетмаган* бирикмаси замирида ўз ифодасини топган «хали ўз ҳаракатини онги равишда идора эта олмаслик» белгисининг катталар хатти-ҳаракатида кузатиладиган укувсизлик, тажрибасизлик, ғўрлик белгилари билан қиёсланиши ва метафорик асосда кўчирилиши орқали устама маъно ҳосил бўлади. Ана шу асосда, *она сути оғзидан кетмаган* бирикмаси ёши жиҳатдан катта бўлган шахсларнинг хатти-ҳаракатида кузатиладиган тажрибасизлик, ғўрликнинг образли ифодаловчисига айланади. Бунинг натижада, иборанинг ташқи ва ички структуралари ўртасида ўзига хос номутаносиблик ҳам вужудга келади. Бундай номутаносибликни транспозитив дериватларнинг деярли барча турида кузатиш мумкин.

Демак, ушбу семантик дериватларнинг вужудга келиши орқали куйидаги ментал операция кузатилади: эркин бирикма орқали ўз ифодасини топган вазият бирламчи бўлиб, ана шу вазиятга ўхшаш (прототип) вазият эса

иккиламчи вазиятдир. Бу икки вазиятни чоғиштириш асосида ҳосилани вужудга келтирувчи оператор эса қиёсий тасаввурдир. Чунки, айнан ана шу оператор воситасида бирламчи ва иккиламчи вазиятларнинг қиёси орқали фразеологик бирлик вужудга келади.

Келтирилган бу фактлар орқали Н.Ф.Алефиренко томонидан билвосита (знаков косвенно-производной номинации) номлаш бирликларини вужудга келтирувчи асос сифатида қайд этилган УПК, яъни муайян бир вазият асосида юзага келган ички мушоҳаданинг универсал предмет коди ва номлаш воситалари ўртасидаги муносабатнинг ўзига хос тасдиғини кўришимиз мумкин. Бинобарин, УПК моҳиятан умуминсоний характердаги когнитив маҳсул бўлиб, инсон ана шу идрокий қобилият туфайли: «тушунча, ҳукми яратади, воқеликни тасвирлаш ва инсон фаолиятининг сабабини кўрсатиш учун зарур бўлган турли хулоса ва мулоҳазаларга келади» (Сафаров 2006: 16). Демак, УПК қиёсий тасаввурнинг ҳаракатга келишида муҳим бўлган прототип вазиятларни аниқлаш ва қиёсий мушоҳадани ташкил этиш асосда янги-янги ментал структураларнинг вужудга келишига олиб келади. Бу ботиний структураларнинг лингвистик ифода топишида эса предикат ва аргументлар муносабати муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Адабиётлар:

1. Кубрякова С.Е. Деривация, транспозиция, конверсия. В.Я.1974.№5. -С.64.
2. Кубрякова С.Е. Характер семантических сдвигов при словообразований // Аспекты семантических исследований. - М.,1980. — С. 120-121.
3. Телия В.Н. Семантика связанных значений слов и их сочетаемости // Аспекты семантических исследований. - М.,1980. -С.279.
4. Телия В. Н. Косвенная номинация //Типы языковых значений. - М.Д981.-С94-98.
5. Соколова Г.Г. Фразообразование во французском языке. - М.Д987.-С8-10; 58-64. Лингвистический энциклопедический словарь. - М. 1990. С.235 .
6. Ғуломов А. Сўз ясалиши // Ўзбек тили грамматикаси. -Т., 1973. 46-47-бетлар. Кубрякова СЕ. Язык и сознание. - М., 2005. -С.344.



7. Вимер Б. Аспектуальные парадигмы и лексическое значение русских и литовских глаголов // Вопросы языкознания. 2001, №2. -С.26-57.
8. Соколова Г.Г. Фразеобразование во французском языке. - М., 1987. -С. 126.
9. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. -Т.,1978.292-бет.
10. Алефиренко Н.Ф. Протовербальное порождение культурных концептов и их фразеологическая репрезентация, // Филологические науки. 2002.№5. -С.12-19.
11. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати.-Т., 1978. 4-бет.
12. Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. -Жиззах, 2006. 16-бет.

Назарова Ш. О масштабе реализации феномена транспозиции. В статье рассматриваются масштаб реализации транспозиции, её типовых специфические черты. Феноментранспозиции раскрывается спомощью фразеологических единиц.

Nazarova Sh. On the volume of the phenomenon of transposition. The article deals with the issue of transposition, its volume and its types, and characteristic features of them. The author describes the phenomenon in phrase logical examples.
